

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Термиз туманида дарахат экишди



#Яшил_макон_умуммиллий_лойиҳа

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Термиз туманида дарахат экишди

Термиз тумани 1-сонли умумтаълим мактаби

Бугунги кунда Давлат раҳбарининг ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси юртимизнинг ҳар бир ҳудудида жадал олиб борилмоқда. Бу аҳолининг барча қатлами вакиллари ҳамда ташкилот ва идоралар ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

Бугун Термиз туманида олиб борилаётган дарахт экиш акцияларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ботир Мардаев ҳам иштирок этиб, туман ҳокимлиги раҳбар-ходимлари билан биргаликда туманнинг 1-сонли умумтаълим мактабида дарахт кўчатларини ўтказишди.

Яшил маконга айланиб бораётган Термиз туманининг ҳар бир маҳалласида, ташкилот ва корхоналарда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш ишлари давом этмоқда.







